# XII. ДЕМОГРАФИК ХОЛАТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 3066,7 минг кишини ташкил этиб, йил бошидан 55,0 минг кишига ёки 1,8 фоизга кўпайди. Шундан, 1603,1 минг киши – шаҳар жойларида (жами аҳоли сонининг 52,3 фоизи) ва 1463,6 минг киши – қишлоқ жойларида (48,7 фоизи) истиқомат қилади.

**Андижон вилоятининг шаҳар ва туманлари бўйича доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот**

*(2019 йил 1 январь ҳолатига)*

| | *Доимий аҳоли сони, минг киши* | | | *Доимий аҳоли сонининг ўсиш суръати, фоизда* | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | *жами* | *шу жумладан:* | | *жами* | *шу жумладан:* | |
| | | *шаҳар* | *қишлоқ* | | *шаҳар* | *қишлоқ* |
| **Вилоятбўйича:** | **3066,7** | **1603,1** | **1463,6** | **101,8** | **101,7** | **101,9** |
| *шаҳарлар:* | | | | | | |
| Андижон | 434,0 | 434 | x | 101,5 | 101,5 | x |
| Хонобод | 41,7 | 34,8 | 6,9 | 101,7 | 102,1 | 100,0 |
| *туманлар:* | | | | | | |
| Олтинкўл | 172,9 | 91,2 | 81,7 | 101,8 | 101,8 | 101,9 |
| Андижон | 256,1 | 196,3 | 59,8 | 102,2 | 101,9 | 103,1 |
| Балиқчи | 195,5 | 67,2 | 128,3 | 101,8 | 101,2 | 102,1 |
| Бўз | 70,3 | 24,6 | 45,7 | 101,6 | 102,1 | 101,3 |
| Булоқбоши | 139,3 | 68,0 | 71,4 | 101,6 | 101,6 | 101,6 |
| Жалақудуқ | 182,0 | 76,2 | 105,8 | 101,7 | 102,1 | 101,4 |
| Избоскан | 231,5 | 74,2 | 157,3 | 101,9 | 102,2 | 101,8 |
| Улуғнор | 58,1 | 6,0 | 52,1 | 101,8 | 103,4 | 101,6 |
| Қўрғонтепа | 210,7 | 90,3 | 120,4 | 101,7 | 101,5 | 101,9 |
| Асака | 319,2 | 96,8 | 222,4 | 102,0 | 101,9 | 102,0 |
| Мархамат | 168,9 | 133,1 | 35,8 | 101,7 | 101,5 | 102,6 |
| Шахрихон | 291,4 | 96,5 | 194,8 | 102,0 | 101,9 | 101,9 |
| Пахтаобод | 188,0 | 69,0 | 119,0 | 101,8 | 101,6 | 102,0 |
| Хўжаобод | 107,1 | 44,9 | 62,2 | 101,9 | 101,8 | 102,0 |

## Январь–декабрда вилоят бўйича аҳолининг табиий ҳаракати коэффициентлари

*(2019 йил 1 январь ҳолатига)*

| | *киши* | | | *ҳар 1000 кишига* | |
|---|---|---|---|---|---|
| | *2017 й.* | *2018 й.* | *ўсиш, камайиш, +,-* | *2017 й.* | *2018 й.* |
| Туғилганлар | 67368 | 72231 | 4863 | 22,6 | 23,8 |
| Ўлганлар | 16122 | 15365 | -757 | 5,4 | 5,1 |
| Табиий ўсиш | 51742 | 56866 | 5124 | 17,2 | 18,7 |
| Никоҳлар | 28715 | 30338 | 1623 | 9,6 | 10,0 |
| Ажралишлар | 3164 | 4149 | 985 | 1,1 | 1,4 |

**Туғилиш.** 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида туғилганлар сони 72 231 кишини ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (67 368 киши) нисбатан 4863 тага кўпайди, шунга мос равишда туғилиш коэффициенти 23,8 промиллени ташкил қилди.

Туғилиш коэффициентининг сезиларли камайиши Бўз (24,0 дан 22,9 промиллега), Марҳамат (24,6 промилледан 24,0 промиллега) туманлари ва Хонобод шаҳрида (18,5 промилледан 18,0 промиллега) кузатилди.

### Аҳолининг табиий ҳаракати коэффициенти

*2018 йил январь-декабрь ҳолатига (1000 аҳолига нисбатан, промилле)*



**Ўлим.** 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида ўлганлар сони 15 365 кишини ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (16 122 киши) нисбатан 757 кишига камайди, мос равишда ўлим коэффициенти 5,1 промиллени ташкил қилди (2017 йил январь-декабрда – 5,4 промилле бўлган).

Ўлим коэффициентининг сезиларли ўсиши Улугнор туманида (4,6 дан 4,9 промиллега) туманида кузатилди, қолган туманларда мазкур кўрсаткич камайиши кузатилди.

Ўлим даражасининг энг паст кўрсаткичи Хонобод шахрида (4,4 промилле), Пахтаобод, Булоқбоши, Балиқчи ва Олтинкўл (4,8 промилледан) туманлари ҳиссасига тўғри келди.

Ўлганлар умумий сонидан қон айланиш системаси касалликларидан 9996 та (65,1 фоизи), бахтсиз ҳодисалардан 749 та (4,9 фоизи), нафас олиш органлари касалликларидан 420 та (2,7 фоизи), ҳазм қилиш органлари касалликларидан 738 та (4,8 фоизи), ўсмалардан 1260 та (8,2 фоизи) ва юқумли касалликлардан 201 та (1,3 фоизи), бошқа касалликлардан 2001 та (13,0 фоизи) вафот этган.

**Ўлганлар умумий сонининг таркибий тузилиши**
*(2019 йил 1 январь ҳолатига)*




Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь–декабрь ҳолатига 10 та оналар ўлими рўйхатга олинган, бир ёшгача 1043 та болалар ўлими қайд этилган. Гўдаклар ўлими коэффициенти 15,2 промиллени (2017 йил январь–декабрь 15,7 промилле бўлган) ташкил қилди.

Мазкур даврда жами бир ёшга тўлмай ўлган болалардан: перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан 725 та (69,5 фоизи), нафас олиш органлари касалликларидан 174 та (16,7 фоизи), туғма аномалия ва ривожланишдаги нуқсонлардан 54 та (5,2 фоизи), ҳазм қилиш органи касалликларидан 6 та (0,6 фоиз), бахтсиз ҳодисалардан 12 та (1,2 фоиз) ва қолган касалликлардан 72 та (6,8 фоиз) гўдаклар ўлими қайд этилди.

**Никоҳлар ва ажралишлар.** 2018 йилнинг январь–декабрида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида 30338 никоҳлар ва 4149 никоҳдан ажралишлар қайд этилган. Қайд этилган никоҳ кўрсаткичи 1000 аҳолига нисбатан 10,0 промиллени (2017 йилнинг тегишли даврида 9,6 промилле) ва ажримлар 1,4 промиллени (2017 йилнинг тегишли даврида 1,1 промилле) ташкил этди.

### Тузилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар сони
*(январь-декабрь ойларида)*

*(бирлик)*

| | *Тузилган никоҳлар* | | *Никоҳдан ажралишлар* | |
|---|---|---|---|---|
| | *2017 й.* | *2018 й.* | *2017 й.* | *2018 й.* |
| **Вилоятбўйича:** | **28715** | **30338** | **3164** | **4149** |
| *шаҳарлар:* | | | | |
| Андижон | 3747 | 3983 | 551 | 657 |
| Хонобод | 282 | 336 | 57 | 74 |
| *туманлар:* | | | | |
| Олтинкўл | 1655 | 1844 | 158 | 222 |
| Андижон | 2375 | 2445 | 249 | 361 |
| Балиқчи | 1880 | 1882 | 157 | 214 |
| Бўз | 685 | 649 | 75 | 77 |
| Булоқбоши | 1379 | 1352 | 149 | 213 |
| Жалақудуқ | 1740 | 1862 | 173 | 246 |
| Избоскан | 2097 | 2600 | 263 | 368 |
| Улуғнор | 518 | 563 | 38 | 61 |
| Қўрғонтепа | 1926 | 1939 | 199 | 279 |
| Асака | 2991 | 3187 | 348 | 432 |
| Мархамат | 1637 | 1604 | 233 | 245 |
| Шаҳрихон | 2817 | 2899 | 213 | 320 |
| Пахтаобод | 1969 | 2027 | 182 | 237 |
| Хўжаобод | 1017 | 1166 | 119 | 143 |

**Миграция.** Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 6 609 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 8499 кишини ташкил қилди. Мос равишда миграция қолдиғи минус -1890 кишини ташкил этган, 2017 йилнинг мос даврида минус -2 032 киши бўлган.

**Аҳолининг миграция кўрсаткичлари**
*(январь-декабрь ойларида)*

*(киши)*

| | *Келганлар* | | *Кетганлар* | | *Миграция сальдоси* | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | *2017 й.* | *2018 й.* | *2017 й.* | *2018 й.* | *2017 й.* | *2018 й.* |
| **Вилоят бўйича:** | **6332** | **6609** | **8364** | **8499** | **-2032** | **-1890** |
| *шаҳарлар:* | | | | | | |
| Андижон | 1474 | 1428 | 2410 | 2227 | -936 | -799 |
| Хонобод | 125 | 224 | 263 | 164 | -138 | 60 |
| *туманлар:* | | | | | | |
| Олтинкўл | 512 | 309 | 394 | 502 | 118 | -193 |
| Андижон | 1356 | 1785 | 873 | 1013 | 483 | 772 |
| Балиқчи | 104 | 302 | 408 | 369 | -304 | -67 |
| Бўз | 109 | 154 | 167 | 172 | -58 | -18 |
| Булоқбоши | 51 | 61 | 259 | 291 | -208 | -230 |
| Жалакудуқ | 222 | 59 | 490 | 450 | -268 | -391 |
| Избоскан | 541 | 506 | 450 | 547 | 91 | 74 |
| Улуғнор | 146 | 173 | 166 | 169 | -20 | 4 |
| Қўрғонтепа | 488 | 443 | 428 | 551 | 60 | -108 |
| Асака | 785 | 625 | 413 | 526 | 372 | 99 |
| Мархамат | 74 | 59 | 362 | 334 | -288 | -275 |
| Шаҳрихон | 85 | 97 | 671 | 596 | -586 | -499 |
| Пахтаобод | 209 | 172 | 361 | 377 | -152 | -205 |
| Хўжаобод | 51 | 212 | 249 | 211 | -198 | 1 |